

ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
PhD.29.12.2018.B.05.03 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ

ЖОББОРОВ БАХРОМ ТУРҒУНОВИЧ

**СУҒОРИЛАДИГАН ТУПРОҚЛАРНИНГ ТЕХНОГЕН БУЗИЛИШИ,
УЛАРНИНГ ЭКОЛОГИК ҲОЛАТИ ВА РЕКУЛЬТИВАЦИЯСИ
(ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ МИСОЛИДА)**

03.00.13–Тупроқшунослик

**БИОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Фарғона–2019

**Биология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
биологической наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD) on
biological science**

Жобборов Бахром Турғунович

Суғориладиган тупроқларнинг техноген бузилиши, уларнинг экологик
ҳолати ва рекультивацияси (Тошкент вилояти мисолида)..... 3

Жобборов Бахром Турғунович

Техногенный распад орошаемых почв, их экологическое состояние и
рекультивация (на примере Ташкентской области)..... 21

Jobborov Bakhrom Turgunovich

Technogenic destruction of irrigated soils, their ecological status and
recultivation (at example Tashkent region) 39

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works..... 43

ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
PhD.29.12.2018.B.05.03 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ

ЖОББОРОВ БАХРОМ ТУРҒУНОВИЧ

**СУҒОРИЛАДИГАН ТУПРОҚЛАРНИНГ ТЕХНОГЕН БУЗИЛИШИ,
УЛАРНИНГ ЭКОЛОГИК ҲОЛАТИ ВА РЕКУЛЬТИВАЦИЯСИ
(ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ МИСОЛИДА)**

03.00.13–Тупроқшунослик

**БИОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Фарғона–2019

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2019.2.PhD/B255 рақам билан рўйхатга олинган.

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси Ўзбекистон Миллий университетида бажарилган.

Фалсафа доктори (PhD) диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.fdu.uz) ва «ZiyoNet» Ахборот-таълим порталида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:	Жаббаров Зафаржон Абдукаримович биология фанлари доктори, доцент
Расмий оппонентлар:	Абдуллаев Анвар Хайдарович биология фанлари доктори Ураимов Тождин қишлоқ хўжалик фанлари номзоди, доцент
Етакчи ташкилот:	Гулистон давлат университети

Диссертация ҳимояси Фарғона давлат университети ҳузуридаги PhD.29.12.2018.B.05.03 рақамли Илмий кенгашининг 2019 йил «___» _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 150100, Фарғона ш., Мураббийлар кўчаси, 19-уй. Тел.: (+99873) 244-44-02; факс: (+99873) 244-44-93; e-mail: fardu_info@umail.uz).

Диссертация билан Фарғона давлат университети Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (___-рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 150100, Фарғона ш., Мураббийлар кўчаси, 19-уй. Тел.: (+99873) 244-44-94).

Диссертация автореферати 2019 йил «___» _____ куни тарқатилди.
(2019 йил «___» _____ даги № _____ рақамли реестр баённомаси).

Г.Юлдашев

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
раиси, к.х.ф.д., профессор

У.Б.Мирзаев

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
илмий котиби, б.ф.н., доцент

М.Т.Исағалиев

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
қошидаги илмий семинар раиси, б.ф.д.,
доцент

КИРИШ (Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Бугунги кунда дунё бўйича «тупроқларга бўлган табиий ва антропоген таъсирларнинг ортиб бориш тенденцияси кузатилмоқда, натижада тупроқларнинг хоссалари, экологик ҳолатининг ўзгариши ва унумдорлигининг пасайиши, шунингдек, айрим ҳолларда фойдаланишга яроқсиз бўлиб қолиши вужудга келмоқда. Тупроқларнинг техноген бузилиши унинг экологик ҳолатини ўзгариши сифатида белгиланади, шунинг оқибатида тупроқларнинг унумдорлиги ва улардан фойдаланиш самарадорлиги камаяди»¹. Шу сабабли дунёнинг барча мамлакатларида суғориладиган тупроқларнинг техноген бузилишини олдини олиш, улар учун рекультивация технологиясини ишлаб чиқиш ва ерларни тозалаш ҳамда улардан самарали фойдаланиш муҳим аҳамият касб этади.

Дунёда кимё саноати, иссиқлик энергетика тармоғи, нефт-газ, кўмир, минерал конлари билан боғлиқ жараёнлар мобайнида тупроқларнинг техноген бузилиш ҳолатини аниқлаш, тупроқ-иқлим шароитига мос рекультивация технологиясини яратиш бўйича бир қатор илмий изланишлар олиб борилмоқда. Бу борада, техноген бузилган тупроқлар ҳудудида ифлосланишнинг асосий омилларини аниқлаш, муҳофаза ва ифлосланиш минтақалари бўйича тупроқларнинг ифлосланиш даражасини ажратиш, тупроқларнинг физикавий, кимёвий, биологик хоссаларига таъсир этиш орқали унумдорликнинг ўзгариш механизмини очиб бериш, иқтисодий кам сарф ҳамда иккиламчи зарарсиз рекультивация технологиясини яратиш тақозо этмоқда.

Республикамизда суғориладиган ерлар ҳудудида тарқалган тупроқларнинг техноген бузилишига таъсир этувчи асосий манбалар ва омилларни аниқлаш, кимёвий ифлосланиш тури, тупроқларнинг физикавий, кимёвий хоссалари ҳамда тупроқ унумдорлигига таъсир этиши, мос рекультивация турини танлаш, рекультивация тадбирларининг алгоритминини ишлаб чиқиш, рекультивация тадбирларини олиб бориш, рекультивацияланган тупроқ унумдорлигини тиклаш ва улардан самарали фойдаланишга қаратилган кенг қамровли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг 2017-2021 йилларга мўлжалланган Ҳаракатлар стратегиясида «...тупроқ унумдорлиги ва қишлоқ хўжалиги экинлари ҳосилдорлигини ошириш, суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини янада яхшилаш, экологик тоза маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кенгайтириш, ер ресурсларидан самарали ва оқилона фойдаланиш»² бўйича муҳим вазифалар белгилаб берилган. Бу борада техноген бузилган тупроқларнинг хоссаларини ифлосланиш минтақалари ва тупроқ генетик қатламлари бўйича аниқлаш, улар учун мос рекультивация технологиясини яратиш муҳим аҳамият касб этади.

¹<http://www.fao.org/soils-portal/soil-degradation-restoration/en/>

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 17 январдаги «2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини «Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили»да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида»ги Фармони, 2017 йил 31 майдаги ПФ-5065-сон «Ерларни муҳофаза қилиш ва улардан оқилона фойдаланиш борасида назоратни кучайтириш, геодезия ва картография фаолиятини такомиллаштириш, давлат кадастрлари юритишни тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 20 октябрдаги 841-сонли «2030 йилгача бўлган даврда барқарор ривожланиш соҳасидаги миллий мақсад ва вазифаларни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг V. «Қишлоқ хўжалиги, биотехнология, экология ва атроф-муҳит муҳофазаси» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Тупроқларнинг техноген бузилиши, тупроқ хоссаларини ўзгариши ва уларни бартараф қилиш йўллари ишлаб чиқиш бўйича илмий тадқиқотлар хорижий ва республика олимларидан В.А.Андроханов, Н.А.Антоненко, А.М.Шипилова, Л.П.Степанова, L.Uzarowicz, Y.Chen, B.Sylvain, P.Mattei, X.T.Рискиева, Л.А.Гафурова, Г.Юлдашев, Х.Ҳ.Турсунов, Т.У.Раҳимова, Т.Абдрахманов, Ш.Ахмедов, З.А.Жаббаров, Н.Шукуров, Х.Н.Каримов, М.Г.Сагдиева, Г.И.Жуманиязова ва бошқа кўплаб олимлар томонидан олиб борилган бўлиб, тадқиқотларда тупроқларнинг ифлосланиш ҳолати, тупроқда кимёвий моддаларнинг ҳаракати, ўсимликларнинг турли органларида тўпланиши, микроорганизмларга таъсир этиши тўғрисида маълумотлар келтирилган. Лекин, техноген бузилган тупроқларни физик, кимёвий, биологик хоссалари ва экологик ҳолатини бир вақтда ўрганиш асосида мос рекультивация технологиясини яратиш, тупроқ унумдорлигини тикланиш кўрсаткичларини ишлаб чиқиш, рекультивациядан сўнг улардан самарали фойдаланиш бўйича тавсияларни яратишга оид илмий тадқиқотлар етарлича амалга оширилмаган.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълимнинг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Ўзбекистон Миллий университети илмий-тадқиқот ишлари режасининг ОТ-Ф4-055 “Ўзбекистон тупроқларининг минтақавийлиги қонуниятлари, суғориладиган тупроқларнинг антропогенезиси, уларда структура ҳосил бўлиш механизми ва ифлосланиш тенденциялари” (2007-2011 йй.), “ОТ-Ф8-03 Тупроқшунослик ва геология соҳаларида амалий тавсияномаларни ишлаб чиқиш мақсадида

магнитометрик усул орқали Ўзбекистонда тўртламчи давр замонавий ва қазилма тупроқларнинг ўзгарувчанлик даражасини баҳолаш ва ўрганиш” (2017-2020 йй.) мавзуларидаги фундаментал лойиҳалар доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади суғориладиган бўз-ўтлоқи ва тўқ тусли бўз тупроқларнинг техноген бузилиши ва экологик ҳолати, уларнинг кимёвий, физикавий, биологик хоссаларининг ўзгаришини аниқлаш ҳамда мос рекультивация технологиясини ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

тадқиқот ҳудуди тупроқларининг техноген бузилиш манбалари ва омилларини аниқлаш;

суғориладиган бўз-ўтлоқи ва тўқ тусли бўз тупроқларнинг кимёвий ифлосланиш ҳолатини аниқлаш ва ифлосланиш минтақаларини модификация қилиш;

тадқиқот ҳудудининг экологик ҳолатини аниқлаш, тупроқ қоплами, ўсимлик дунёси ва сув муҳитларининг ўзгаришини ўрганиш;

техноген бузилган суғориладиган бўз-ўтлоқи ва тўқ тусли бўз тупроқларнинг кимёвий, физикавий хоссаларининг ўзгаришини аниқлаш;

тадқиқот ҳудуди табиий шароити ва тупроқ хоссаларига мос бўлган рекультивация тадбирларини ишлаб чиқиш;

рекультивацияланган тупроқлардан самарали фойдаланиш бўйича тавсиялар бериш.

Тадқиқотнинг объекти Тошкент вилоятидаги “Ўзбекистон металлургия комбинати” АЖ атрофидаги суғориладиган бўз-ўтлоқи ва Ангрен иссиқлик электр станцияси атрофидаги суғориладиган тўқ тусли бўз тупроқлари ҳисобланади.

Тадқиқотнинг предмети техноген бузилган тупроқларнинг ифлосланиш манбаси, тупроқнинг агрокимёвий, кимёвий, физикавий, хоссалари ва экологик ҳолатининг ўзгариши, рекультивация тадбирлари ҳамда унумдорлик ҳолати ҳисобланади.

Тадқиқотнинг усуллари. Дала ва лабораторияда бажарилган тажрибаларда тупроқшуносликдаги умумқабул қилинган замонавий усуллар қўлланилган, жумладан, гумус миқдори Тюрин усули, тупроқдаги оғир металлар ва бошқа бирикмалар МП 003:2015 кўрсатмаси, рекультивация тадбирлари (ГОСТ. 17.5.3.04-83) давлатларaro стандарти, масофалар бўйича минтақаларга ажратиш Х.А.Джувеликян, микробиологик тажрибалар Звягинцев, математик-статистик қайта ишлаш Б.А.Доспехов усули бўйича «Statgraphics Centurion XVII» дастуридан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

суғориладиган тупроқларнинг ифлосланиш манбалари ва омиллари бўйича муҳофаза, техник бузилиш ва фон ҳудудларининг ифлосланиш даражаларининг фарқлари очиқ берилган;

бир ҳудудда икки хил ифлосланиш манбаси атрофида тупроқларнинг техноген бузилиши, хоссаларининг ўзгариши оғир металлар ва кул

чиқиндилар миқдори билан тупроқ генетик қатламларининг ўзгарувчан бўлиши асосланган;

суғориладиган тупроқларнинг унумдорлигини тиклаш учун биологик ва техник тадбирларга асосланган рекультивация алгоритми яратилган;

техноген бузилган тупроқлар рекультивациясидан сўнг тупроқларнинг экологик ҳолати ва унумдорлигининг тикланиш кўрсаткичлари ҳамда улар учун мавжуд коэффициентлар такомиллаштирилган;

техноген бузилган суғориладиган тўқ тусли бўз тупроқлар учун техник ва биологик усулга асосланган уч босқичли рекультивация технологияси ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

саноатлашган ҳудудларда рекультивацияланган тупроқлардан самарали фойдаланиш бўйича иссиқхона тарзида фойдаланиш ва иккиламчи ифлосланишни олдини олиш бўйича тавсиялар ишлаб чиқилган;

рекультивацияланган тупроқларнинг агрокимёвий, физикавий, микробиологик хоссалари ва экологик ҳолатининг яхшиланиши аниқланган;

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги рекультивация тадбирлари давлатларaro стандарт (ГОСТ: 17.5.3.04-83) асосида амалга оширилганлиги, лаборатория тажрибалари замонавий услуб ва воситаларидан фойдаланган ҳолда ўтказилганлиги, олинган натижалар янги статистик дастурлар асосида амалга оширилганлиги, тадқиқот натижалари хорижий тадқиқот натижалари билан таққосланганлиги, натижаларни ишлаб чиқаришга жорий этилганлиги, тадқиқот натижаларини халқаро ва республика миқёсидаги илмий-амалий анжуманларда муҳокама қилинганлиги, шу билан бирга Олий аттестация комиссияси томонидан белгиланган даврий нашрларда чоп этилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти техноген бузилган суғориладиган бўз-ўтлоқи ва тўқ тусли бўз тупроқлар учун техник ва биологик рекультивациянинг аниқ ёндашувини ажратилганлиги, улар учун рекультивациянинг алоҳида тадбирлари белгиланганлиги, рекультивация тадбирлари ифлосланиш масофалари бўйича турли бўлиши, рекультивациядан сўнг тупроқнинг кимёвий, физикавий ҳамда микробиологик хоссаларининг яхшиланишини, унумдорлик кўрсаткичлари бўйича мос коэффициентларини алоҳида ҳисобланиши, бундан ташқари тупроқнинг тозаланиш даражаси кимёвий моддаларнинг таркиби ва хоссаларига боғлиқлигини илмий асосланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти ишлаб чиқилган рекультивация технологияси Тошкент вилоятидаги саноат корхоналари, жумладан, Ангрен иссиқлик электр станцияси ва металлургия комбинати атрофида тарқалган техноген бузилган тупроқларни рекультивация қилишга, унумдорлигини тиклашга ҳамда улардан самарали фойдаланишга хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Суғориладиган тупроқларнинг техноген бузилиши, уларнинг экологик ҳолати ва рекультивацияси бўйича олинган илмий натижалар асосида:

техноген бузилган тупроқлар учун яратилган рекультивация технологияси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси тизимида ерларни соғломлаштиришда жорий этилган (Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг 2018 йил 13 ноябрдаги 03-03/2-4563-сон маълумотномаси). Натижада, тупроқ қопламида умумий микроорганизмлар миқдорини ошириш, физик ва кимёвий хоссаларини яхшилаш, ўсимликларнинг ўсиши ва ривожланиши учун оптимал шароит яратиш ҳамда тупроқ унумдорлигини тиклаш имконини берган;

рекультивация технологияси Тошкент вилояти «Янги ҳаёт Жўрабой файзи» фермер хўжалигининг 1,8 гектар ер майдонига жорий этилган (Қишлоқ хўжалик вазирлигининг 2018 йил 5 декабрдаги 02/021-232-сон маълумотномаси). Натижада техноген бузилган тупроқларнинг унумдорлигини тиклаш ва улардан оқилона фойдаланиш ҳамда муҳофаза қилиш имконини берган;

суғориладиган тупроқларнинг унумдорлигини тиклаш, рекультивация технологиясини ишлаб чиқишда бактерия штамmlарини қўллаш бўйича меъёрлари ва уларнинг стимулятив таъсир этиш хоссалари А-7-27 рақамли «Қуйи Зарафшон округи барқарор ривожланишининг геоэкологик индикаторлари ва уларни амалий баҳолаш» илмий лойиҳасида тупроқ унумдорлигини тиклаш, тупроқларга биотехнологик ишлов беришда фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2018 йил 21 декабрдаги 89-03-4397-сон маълумотномаси). Натижада, тупроқ микроорганизмларини миқдор ва гуруҳий жиҳатдан кўпайиш, тупроқ хоссаларига боғлиқ ҳолда қўллаш меъёрларини белгилаш ҳамда тупроқ унумдорлигини тиклаш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 5 та, жумладан, 4 та халқаро ва 1 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 13 та илмий иш чоп этилган, шулардан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 5 та мақола, жумладан, 4 таси республика ва 1 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулосалар, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан ташкил топган. Диссертациянинг ҳажми 119 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объект ва предметлари тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги, тадқиқотнинг илмий янгилиги, амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий–амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ҳамда диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Тупроқларнинг техноген бузилиши, экологик ҳолати ва уларнинг рекультивацияси”** деб номланган биринчи бобида республика ва хорижий мамлакатларда олиб борилган тадқиқот натижалари адабиётлар асосида таҳлил қилинган ва ёритилган. Тадқиқот олдига қўйилган мақсаддан келиб чиқиб, тупроқларнинг техноген бузилиши, унинг асосий манбалари, омиллари, техноген бузилиш натижасида тупроқларнинг оғир металллар, кул шлаклар билан ифлосланиши, кимёвий, физикавий ва микробиологик хоссалари ва экологик ҳолатининг ўзгариши ҳамда амалга оширилган рекультивация тадбирлари бўйича таҳлиллар келтирилган. Адабиётлар таҳлили якунидатебноген бузилган тупроқларнинг ўзига хос табиий, антропоген, кимёвий ва иқлим шароитларидан келиб чиқиб, техник ва биологик тадбирларга асосланган рекультивация технологияси яратилиши зарурлиги илмий асосланган.

Диссертациянинг **«Тадқиқот ўтказилган жойнинг табиий шароитлари ва тажриба усуллари»** деб номланган иккинчи бобида тадқиқот ўтказилган жойнинг тупроқ-иқлим шароитлари, ўсимлик дунёси, саноат-корхоналар фаолиятининг тупроқларни техноген бузилишидаги ўрни, ҳудуд тупроқларининг тавсифи, тадқиқот усуллари тўғрисида маълумотлар келтирилган.


Тошкент вилоятининг иқлими кескин континентал, қиши нам ва нисбатан юмшоқ. Қуёшли кунлар кўп, ёзи узоқ, иссиқ ва қуруқ. Июлнинг ўртача ҳарорати $+26^{\circ}\text{C}$, максимал ҳарорат кўрсаткичи $+47^{\circ}\text{C}$ гача кўтарилиши кузатилади. Қиши қисқа, кўпинча ўзгарувчан, қор қатлами фақат тоғларда мустаҳкам, январь ойида ҳаво ҳароратининг мутлақ минимуми -35°C га тенг бўлган. Вилоятнинг жанубий, жануби-ғарбий ҳудудларида йиллик ёғин 400 мм дан кам, марказий ҳудудларда 400-600 мм атрофида, марказий-шимол, марказий-шарқий ҳудудларда 600-800 мм атрофида, шарқий, шимоли-шарқий ҳудудларда 800-100 мм ва 1000 мм дан ортиқ миқдорда ёғин ёғади.

Тадқиқотлар учун Тошкент вилояти суғориладиган тупроқларининг ифлосланишида катта ўрин тутувчи, 2 та ифлосланиш манбалари атрофидан, жами 16 та калит нуқталари танлаб олинди. I ҳудуд - Бекобод туманидаги “Ўзбекистон металлургия комбинати” АЖ атрофида тарқалган суғориладиган бўз-ўтлоқ тупроқлар (КБ); II ҳудуд–Ангрен шаҳридаги Ангрен иссиқлик электр станцияси (ИЭС) ва янги Ангрен ИЭС атрофида тарқалган суғориладиган тўқ тусли бўз тупроқлар(КА) танланди. Тадқиқот

худуди бўйича “Ўзбекистон металлургия комбинати” АЖ атрофидан шамолнинг асосий йўналиши бўйича, Х.А.Джувеликян тавсиясига кўра ифлословчи манбанинг муҳофаза минтақаси (0,5-0,75 км), I-минтақа (0,75-1,5 км), II-минтақа (2-8), III-минтақа (4-15 км), IV-минтақа (8-20 км), фон минтақаси (20-50 км) ва Ангрен ИЭС атрофидан Х.А.Джувеликян тавсияси, Б.Т.Жобборов модификацияси бўйича ифлословчи манбанинг муҳофаза минтақаси (0,5-1,5 км), I-минтақа (1,5-2 км), II-минтақа (2-10), III-минтақа (5-12 км), IV-минтақа (10-18 км), фон (18-30 км) минтақаларидан тупроқ намуналар олинди.

Диссертациянинг **“Тадқиқот ҳудуди тупроқларининг техноген бузилиши, айрим хоссаларининг ўзгариши ва экологик ҳолати”** деб номланган учинчи бобида тупроқларнинг техноген бузилишининг манбалари ва омиллари, морфологик белгилари, кимёвий, физикавий, микробиологик хоссаларининг ўзгариши ёритилган. Тадқиқотларда бир вилоятнинг икки туманидаги икки хил ифлосланиш манбаси атрофидаги ифлосланишларнинг вужудга келиш жараёни ва улардаги фарқлар очиқ берилган (1-расм).


“Ўзбекистон металлургия комбинати” АЖнинг узоқ йиллик фаолияти мобайнида атрофдаги тупроқ қоплами техноген бузилишга учраган, жумладан, тупроқ қопламида кимёвий ифлосланиш вужудга келган, бунга кўра тупроқлар Ag, As, Ba, Co, Cr, Cs, La, Lu кимёвий элементларининг турли бирикмалари ва оксидлари билан ифлосланиши аниқланди. Тупроқнинг кимёвий таркиби ўзгариши сабабли ундаги озиқа элементларни камайиши, микроорганизмларнинг миқдор жиҳатдан зарар кўриши аниқланди. Атрофдаги ўсимлик дунёси ва сув қоплами ҳам зарар кўрган. Бундан кўринадики, Бекобод тумани бўйича тупроқларнинг техноген бузилишида “Ўзбекистон металлургия комбинати” АЖнинг ўрнини асосий манба сифатида айтиш мумкин. Ушбу манбадан чиқаётган кимёвий моддаларнинг атроф-муҳитга тарқалишида шамол омилини ўрни катта.



1-расм. “Ўзбекистон металлургия комбинати” АЖ атрофида ифлосланиш ҳолатининг вужудга келиш схемаси

“Ўзбекистон металлургия комбинати” АЖ атрофида тупроқларнинг техноген бузилиши II, III ва IV минтақаларда вужудга келган, яъни ифлосланиш масштаби катта ҳудудни эгаллаган. Бунга сабаб комбинатнинг атмосферага чиқаётган қувурлари баланд жойлашганлиги ва шамол тезлигининг юқорилигидир. Ер ости сувларининг таркиби ўрганилганда оғир металллар ва бошқа ифлословчи моддалар рухсат этилган чегаравий улуш (РЭЧУ) кўрсаткичидан ортмаганлиги аниқланди.

Ангрен ИЭСлар атрофида эса тупроқларнинг техноген бузилишининг вужудга келишидаги ҳолати фарққа эга. Натижаларга кўра ушбу ҳудудларда тупроқ ИЭСлардан атмосферага чиқарилган тутунлар ва йилига 0,5 млн тонна миқдорида чиқарилган кул шлаклари ҳисобига техноген бузилган (2-расм).



2-расм. Ангрен ИЭСлар ҳудудида атроф-муҳитнинг ифлосланиш ҳолатининг вужудга келиш схемаси

Мазкур икки ифлосланиш манбаси атрофида умумий ифлосланиш тенденцияси мавжуд эмас. Бу албатта ҳудудда эсадиган шамол йўналиши, атроф-муҳитга чиқарилаётган чиқиндиларнинг миқдори ва шакли билан боғлиқ. Бундан кўринадики, Бекобод тумани ва Ангрен шаҳридаги тупроқларнинг техноген бузилиши солиштирилганда Ангрен шаҳридаги тупроқлар экологик ҳолати ва тупроқ қоплами кучли зарар кўрган.

Тупроқларнинг техноген бузилиши натижасида тупроқ таркибида айрим оғир металлларнинг миқдори рухсат этилган чегаравий улуш кўрсаткичидан ортган, уларнинг миқдорини қуйидаги жадвалда кўриш мумкин (1-жадвал).

Шу ўринда айрим оғир металлларнинг РЭЧУ кўрсаткичлари келтирилади, жумладан, (мг/кг) Sb – 4,5; Mn – 1500; V – 150; Pb – 32; As – 2,0; Hg – 2,1; Cu – 55; Ni – 85; Zn – 100; Cd – 0,5.

Натижаларга кўра “Ўзбекистон металлургия комбинати” АЖ, Ангрен ИЭС ва Янги Ангрен ИЭС атрофидаги тупроқларда оғир металлларнинг

микдори турли даражада ортган, жумладан, “Ўзбекистон металлургия комбинати” АЖ атрофида тарқалган суғориладиган бўз-ўтлоки тупроқларда рухсат этилган чегаравий улуш кўрсаткичига нисбатан As микдори 4,2 марта, Ангрен ИЭС атрофида тарқалган суғориладиган тўқ тусли бўз тупроқда As микдори 2,85 марта, Ni микдори 1,29 марта, Rb микдори 5,3 марта, Sb микдори 1,42 марта, Янги Ангрен ИЭС атрофида тарқалган тупроқда As микдори 4,2 марта, Ni микдори 1,64 марта, Rb микдори 5,3 марта, Sb микдори 1,55 марта ортган.

1-жадвал.

**Техноген бузилган суғориладиган тупроқларнинг
ифлосланиш ҳолати**

Ифлословчи моддалар	Объект ва тупроқлар		
	“Ўзбекистон металлургия комбинати” АЖ атрофида тарқалган тупроқларда, мг/кг	Ангрен ИЭС атрофида тарқалган тупроқларда, мг/кг	Янги Ангрен ИЭСлар атрофида тарқалган тупроқларда, мг/кг
Ag	<0,1	0,0030	<0,001
As	8,4	5,7	8,4
Ce	96	69	74
Ba	940	-	-
Ni	0,001	110	140
Mo	0,002	1,2	4,0
Sn	0,0004	420	-
Co	17	9,8	8,2
Cr	94	52	28
Cs	9,1	1,0	25
Eu	1,5	12	1,3
Zh	0,003	-	-
Hf	6,5	5,8	-
La	81	17	19
Lu	0,35	0,12	0,12
Cu	0,01	-	-
Pb	0,01	170	170
Tb	-	0,82	1,83
Th	-	24	29
Sr	-	420	1000
Cs	-	12	25
Sm	-	2,3	2,3
Sc	-	10	12
W	-	<1,0	5,5
U	-	2,4	3,7
Nd	-	8,0	7,8
Rb	-	170	170
Sb	-	6,4	7,0

Шу билан биргаликда Ангрен ИЭСлардан чиқарилган кулнинг кимёвий таркиби аниқланди, бунга кўра кулнинг таркибида тупроқнинг кимёвий ва

микробиологик хоссаларига зарар берувчи бир қатор элементларнинг оксидлари ҳам мавжуд (2-жадвал).


2-жадвал.

Ангрен ИЭС атрофига чиқарилган кул чиқиндиларининг кимёвий таркиби

Ифлословчи манба	Таркиби, %															
	SiO ₂	Al ₂ O ₃	CaO	Fe ₂ O ₃	Na ₂ O	K ₂ O	MgO	P ₂ O ₃	BaO	SrO	Mn ₂ O ₇	CuO	PbO	As ₂ O ₇	Mo ₂ O ₇	LiO
Ангрен ИЭС	25	20	3	4	2	0,4	2	0,03	0,05	0,03	0,1	0,005	0,01	0,1	0,001	0,03


Тадқиқот ҳудудидаги иссиқлик электр станциялари атрофида чиқарилган кул чиқиндилари таркибида асосан SiO₂, ва Al₂O₃ оксидлари бўлиб, уларнинг миқдори мос равишда 25% ва 20% ни ташкил этди, шунингдек, CaO, Fe₂O₃, Na₂O, K₂O, MgO, P₂O₃, BaO, SrO, Mn₂O₇, CuO, PbO, As₂O₇, Mo₂O₇, LiO каби оксидлар ҳам турли миқдорда мавжуд. Албатта тупроқ қопламига кул шлаклари кўринишида чиқарилган чиқинди таркиби билан атмосфера ҳавосига чиқарилган кул ва бирикмаларнинг таркиби бири-бирдан фарқ қилади, бунга кўра атмосферага чиқарилган кул таркибида сульфид оксидлари, сульфидлар бўлиб, атмосфера орқали тупроқ қопламига ёмғирлар иштирокида кучсиз кислота кўринишида тушади. Улар тупроқда йиллар давомида тўпланиб, тупроқнинг физик, кимёвий, микробиологик хоссаларига турлича таъсир қилган.

Тупроққа тушган юқоридаги моддаларнинг йиллар мобайнида тупроқда бир қатор кимёвий ўзгаришлар кечган. Бироқ, тупроқларнинг техноген бузилиши натижасида техноген шўрланиш вужудга келмаган, яъни ифлосланиш натижасида тупроқнинг шўрланиш даражаси ўзгармаган. Кимёвий сувли сўрим таҳлил натижаларига кўра Бекобод туманида тарқалган суғориладиган бўз-ўтлоқи тупроқлар кучсиз ва ўртача шўрланган тупроқлар ҳисобланади (3-расм).



3-расм. Тадқиқот ҳудудида техноген бузилган суғориладиган бўз-ўтлоқи тупроқларнинг шўрланиш ҳолати

Суғориладиган бўз-ўтлоқи тупроқларининг шўрланиши тадқиқот ҳудудининг фон минтақасида ҳам мавжуд, яъни саноат корхонасининг ҳеч қандай таъсири остида техноген шўрланиш ҳосил бўлмаган, мавжуд шўрланиш тупроқнинг она жинси ва минералларига боғлиқ ҳолда келиб чиққан. Ангрен ИЭС атрофида тарқалган суғориладиган тўқ тусли бўз тупроқларида ҳам шўрланиш техноген таъсирга боғлиқ бўлмаган шўрланиш эканлиги илмий асосланди (4-расм).



4-расм. Тадқиқот ҳудудида техноген бузилган суғориладиган тўқ тусли бўз тупроқлари шўрланиш ҳолати

Ангрен ИЭС атрофида биринчи тадқиқот ҳудудидан фаркли ўлароқ шўрланиш типи сульфатлидир. Икки ҳудуддаги саноат корхоналарнинг фаолияти, улардан чиқаётган чиқиндилар тупроқнинг шўрланишига таъсир қилмаган ва улар орасида ҳеч қандай таъсир ёки боғланиш, тенденция ҳамда қонуният ҳам мавжуд эмаслиги аниқланди.

Диссертациянинг **“Техноген бузилган тупроқлар рекультивациясининг ишлаб чиқилиши”** деб номланган тўртинчи бобида техноген бузилган тупроқлар учун иқлим шароити, тупроқ хоссалари, ифлосланиш тавсифига кўра мос рекультивация тадбирлари ишлаб чиқилган ва шу асосда олиб борилган рекультивация ишларининг натижалари келтирилган. Рекультивация тадбирлари бўйича барча ишларнинг алгоритми ишлаб чиқилди, улар бир-бирига боғлиқ ҳолда тизимли амалга оширилди. Рекультивация алгоритми 3 босқичли 18 та тадбирлар мажмуасига эга бўлди (5-расм).

Ишлаб чиқилган алгоритмдаги 3 босқичли тадбирларнинг биринчи босқичи тадқиқот ҳудудининг илмий-таҳлилий ўрганиш бўлиб, бунда тадқиқот ҳудудининг географик, гидрологик, геологик жойлашувлари ва хусусиятлари, сўнгра ҳудуднинг иқлим ҳамда суғориш шароитлари ўрганилди, ҳудудда учровчи ва экиладиган асосий ўсимликлар аниқланди. Бу босқичда тадқиқот ҳудуди тупроқларининг экологик ҳолатига ва техноген бузилишига таъсир этувчи манбалар аниқланди ҳамда лаборатория тадқиқотлари учун тупроқ намуналари олинди.

I. ТАДҚИҚОТ ХУДУДИНИНГ ИЛМИЙ-ТАҲЛИЛИЙ ЎРГАНИШ:	
I.1.Тадқиқот худудининг географик жойлашувини (координатлари) ўрганиш;	
I.2.Тадқиқот худудининг гидрологик шароитини ўрганиш;	
I.3.Тадқиқот худудининг геологик жойлашувини ўрганиш;	
I.4.Тадқиқот худудининг иқлим шароитлари ва суғориш шароитларини ўрганиш;	
I.5.Тадқиқот худудида тарқалган тупроқ қопламини ўрганиш;	
I.6.Тадқиқот худудида тарқалган асосий ўсимлик дунёси ва қишлоқ хўжалигида экиладиган асосий экинларни аниқлаш;	
I.7.Тадқиқот худудида тупроқларнинг экологик ҳолатига ва техноген бузилишига таъсир этувчи манбаларни аниқлаш;	
I.8.Тадқиқот худудидан тупроқ кесмалари қазил, лаборатория тажрибалари учун намуналар олиш;	
I.9.Морфологик ва микроморфологик тузилиш тавсифини ёзиш.	
II. ЛАБОРАТОРИЯ АНАЛИЗ ТАДҚИҚОТЛАРИНИ БАЖАРИШ:	
II.1. Тупроқга тушган кимёвий моддаларнинг РЭЧУ кўрсаткичига нисбатан ортишини, яъни ифлосланиш ҳолатини аниқлаш;	
II.2.Тупроқнинг механик таркиби ва агрегатлик ҳолати, зичлигини аниқлаш;	
II.3.Тупроқдаги азот, фосфор, калий озика элементлари ва гумус миқдорини аниқлаш;	
II.4. Тупроқдаги микроорганизмларнинг ўзгаришини ўрганиш;	
II.5.Фиторемедиация хусусиятли ўсимликларни танлаш.	
III. ДАЛА ШАРОИТИДА РЕКУЛЬТИВАЦИЯ ТАДБИРЛАРИНИНГ АМАЛГА ОШИРИШ:	
III.1. Ифлосланиш худуди ва ифлосланиш даражасига мувофиқ ҳолда тупроқнинг 0-5 см. ва 0-15 см. қатламини олиб ташлаш;	
III.2. Ерни текислаш, тоза тупроқ ётқизиш, гўнг ва минерал ўғитлар солиш ҳамда ҳайдаш;	
III.3.Фиторемедиация хусусиятли ўсимликлар, жумладан, беда, арпа, райграс ўсимликларини экиш;	
III.4.Ўсимликлар вегетация жараёни якунланмасдан аввал ҳайдаш ва кейинги мақсадлар учун ерни тайёрлаш.	

5-расм. Техноген бузилган тупроқларнинг рекультивацияси тадбирларининг алгоритми

Алгоримнинг иккинчи босқичида лаборатория анализ тадқиқотлари бажарилди, жумладан, тупроқларнинг ифлосланиш ҳолати, тупроқнинг физикавий, агрохимёвий, микробиологик хоссалари аниқланди ва таҳлил қилинди. Ишлаб чиқилган алгоритм асосида қуйидаги рекультивация технологияси ишлаб чиқилди (3-жадвал).

3-жадвал.

Техноген бузилган тупроқларнинг рекультивация технологияси

Рекультивация тури	Рекультивация босқичлари	Амалга ошириладиган тадбирлар	Амалга ошириладиган тадбирлар	Муддати (ой)
Техник ва биологик	I босқич	Тайёрлаш ва техник тозалаш	Техноген бузилган ерларни ҳолатига кўра 0-5 см, 0-15 см қатламини олиб ташлаш. Тупроқларнинг ўсимлик дунёси билан қопланиши, намлиги, физик ва кимёвий хоссаларини аниқлаш.	3
		Агротехник	Ерни текислаш, 1000 т/га миқдорида тупроқ олиб келиб ётқизиш, 50 т/га миқдорида гўнг солиш, аралаштириш нуқтаи назаридан ҳайдаш.	1
	II босқич	Биологик	<i>Pseudomonas putida</i> ВКПМ В-4308 бактерия штаммини қўллаш, тупроқ хоссаларини яхшилаш ва унумдорлигини тиклаш учун техноген бузилиш даражасига кўра беда, райграс, арпа ўсимликларини экиш.	12
		Таҳлилий	Тупроқ унумдорлигининг тикланиш кўрсаткичларини таҳлил этиш.	2
	III босқич	Яқунлаш ва унумдорликни тикланиши	Ифлосланиш манбасига кўра рекультивациядан сўнг ерлардан самарали фойдаланиш нуқтаи назардан танлаб экиш ва фойдаланиш бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш.	2

Рекультивация алгоритмининг иккинчи босқичининг охирида фиторемедиация хусусиятли ўсимликлар танланди. Учинчи босқичида эса дала шароитида рекультивация тадбирлари амалга оширилди, яъни ифлосланиш даражасига мувофиқ ҳолда тупроқнинг 0-5 см ва 0-15 см қатлами олиб ташланди. Сўнгра ерни текислаш, тоза тупроқ ётқизиш, гўнг ва минерал ўғитлар солиш, ҳайдаш, фиторемедиация хусусиятли ўсимликлар,

жумладан, беда, арпа, райграс ўсимликларини экиш, ўсимликлар вегетация жараёни якунланмасдан аввал ҳайдаш ва кейинги мақсадлар учун ерни тайёрлаш тадбирлари шу алгоритм асосида бажарилди.

Рекультивация технологиясининг тури техник ва биологик рекультивация бўлиб, у 3 босқичдан иборат 5 та йирик тадбирлар мажмуасини ўз ичига олади, рекультивация жараёнининг тўлиқ амалга ошириш учун 20 ой вақт сарфланди. Тадқиқот ҳудуди тупроқлари асосан оғир металллар билан ифлосланганлиги боис, энг кам иқтисодий ва вақт сарфли технология айнан техник рекультивацияга асосланган биологик рекультивация эканлиги асосланди.

Рекультивациядан сўнг тупроқнинг унумдорлик ҳолатининг дастлабки тикланишига эришилди, бунга кўра рекультивациядан сўнг тупроқдаги умумий микроорганизмларнинг миқдори ортишига эришилди (4-жадвал).

4-жадвал.

Рекультивациядан сўнг умумий микроорганизмлар миқдорининг ўзгариш

Кесмалар	Рекультивациядан аввал (хуж/1 г.тупроқда)	Рекультивациядан кейин (хуж/1 г.тупроқда)
Ангрен ИЭС атрофида		
КА-16-1,6	$3,2 \times 10^5$	$8,0 \times 10^5$
КА-16-2,5	$3,9 \times 10^5$	$2,4 \times 10^6$
КА-16-5	$4,8 \times 10^6$	$6,5 \times 10^6$
КА-16-23	$7,1 \times 10^6$	$9,4 \times 10^6$
“Ўзбекистон металлургия комбинати” АЖ атрофида		
КБ-16-0,9	$2,1 \times 10^6$	$4,2 \times 10^6$
КБ-16-2,5	$3,3 \times 10^6$	$5,7 \times 10^6$
КБ-16-5	$6,9 \times 10^6$	$8,6 \times 10^6$
КБ-16-23	$8,2 \times 10^6$	$9,8 \times 10^6$

Натижаларга кўра Ангрен иссиқлик энергия станцияси атрофидаги КА-16-1,6 нуқтада умумий микроорганизмлар миқдори $3,2 \times 10^5$ дан $8,0 \times 10^5$ хуж/1 г кўрсаткичигача ортган, энг юқори кўрсаткич КА-16-23 нуқтадан олинган тупроқларда бўлиб, уларнинг миқдори $9,4 \times 10^6$ хуж/1 г кўрсаткичига тенг. “Ўзбекистон металлургия комбинати” АЖ атрофидаги КБ-16-23 нуқтадан олинган тупроқларда энг юқори кўрсаткич $9,8 \times 10^6$ миқдорига тенг бўлди. Бу тупроқ таркибидаги кимёвий моддалар миқдорининг РЭЧУ кўрсаткичидан пасайганлигидан далолат беради.

Олиб борилган рекультивациядан сўнг тупроқнинг унумдорлик кўрсаткичларини тикланганлик ҳолати таҳлил қилинди. Тупроқ унумдорлигини тикланиш кўрсаткичлари “ГОСТ 17.4.2.02-83.- Деҳқончилик учун тупроқларнинг унумдор қатламининг бузилишининг яроқлилик кўрсаткичлари номенклатураси” давлатлараро стандарти бўйича аниқланди. Ушбу меъёрий ҳужжат талаби бўйича тупроқнинг унумдорлик кўрсаткичлари сифатида намлик, солиштира оғирлик, ҳажмий оғирлик, ғовақдорлик, гранулометрик (механик) таркиб, сув сингдирувчанлик, сувли

pH, алмашинувчи катионлар таркиби, гидролитик кислоталилик, ишқорлар билан тўйинганлик даражаси, шўрланиш даражаси, гумус, умумий азот, ўзлаштирилувчи азот, умумий фосфор, ҳаракатчан фосфор, умумий калий, алмашинувчи калий, микроэлементларнинг ҳаракатчан шакли танланди. Натижаларга кўра уларнинг дастлабки тикланишига эришилди.

Тупроқ унумдорлик кўрсаткичларини тикланиши кимёвий моддалар миқдорининг камайиши, гўнг, минерал ўғитлар солиниши ва сидерал ўғит сифатида қўлланилган фиторемедиация хусусиятли экинларнинг экилиши натижасидир. Тупроқ унумдорлик кўрсаткичларини тикланишида умумий микроорганизмлар миқдори, агрегатлар ва ўсимлик уруғларининг униб чиқиш даражаси каби кўрсаткичлари яхшиланган, қолган кўрсаткичларнинг тикланиши нисбатан паст бўлиб, вақт ўтиши билан уларнинг тикланиши ортади, бу тупроқдаги кимёвий, оксидланиш-қайтарилиш реакциялари билан боғлиқ ҳисобланади.

ХУЛОСАЛАР

1. Тошкент вилоятининг тадқиқот ўтказилган ҳудудда тупроқларнинг техноген бузилишига сабаб бўлувчи асосий манбалар Ангрен иссиқлик электр станциялари ва “Ўзбекистон металлургия комбинати” АЖ ҳисобланади. Кимёвий ифлосланишнинг вужудга келишида асосий омил “Ўзбекистон металлургия комбинати” АЖ атрофида шамол, Ангрен ИЭСлар атрофида антропоген омил эканлиги аниқланди. Ифлословчи манбалар атрофида тупроқ қоплами турли ҳудудлар миқёсида зарар кўрган, бунга кўра Ангрен ИЭСлар атрофида 1,6-8 км, “Ўзбекистон металлургия комбинати” АЖ атрофида 0,8-15 км масофада тупроқлар техноген бузилган.

2. Тадқиқот ҳудуди тупроқлари халқаро классификацияга кўра таснифланди, бунга кўра Ангрен ИЭС атрофида тарқалган суғориладиган тўқ тусли бўз тупроқлар кучсиз антропоген (Low anthropogenic (/ATS)), ўрта антропоген (Meanly anthropogenic (/ATV)), кучли антропоген (Strongly anthropogenic) тупроқларга, “Ўзбекистон металлургия комбинати” АЖ атрофидаги суғориладиган бўз-ўтлоқи тупроқлар эса кучсиз антропоген (Low anthropogenic (/ATS)) зарарланган гуруҳига ажратилди.

3. Ангрен ИЭСлар атрофида тарқалган суғориладиган тўқ тусли бўз тупроқлар асосан кўмирнинг ёниш натижасида чиққан кул (SiO_2 , Al_2O_3 , CaO , Fe_2O_3 , Na_2O , K_2O , MgO , P_2O_5 , BaO , SrO , Mn_2O_7 , CuO , PbO , As_2O_3 , Mo_2O_7 , LiO) чиқиндилари билан, шунингдек As, Ag, Br, Ba, Ce, Co, Cr, Cs, Eu, Hf, Mo, Ni, Rb, Sb, Sc, Sm, Sr, Zn каби оғир металллар ва бошқа элементлар билан, “Ўзбекистон металлургия комбинати” АЖ атрофида ҳам суғориладиган бўз-ўтлоқи тупроқлар шу оғир металллар билан ифлосланган, уларнинг тупроқ хоссалари, микроорганизмлар миқдори ва ўсимлик дунёсига салбий таъсири юзага келган.

4. Тадқиқот ҳудуди бўйича тупроқларнинг техноген бузилиши ва экологик ҳолатининг ўзгариши қуйидаги кетма-кетликда: тупроқ микробиологик дунёсининг зарар кўриши → физик хоссаларининг

ёмонлашиши→кимёвий хоссаларининг ўзгариши→ҳаво, сув ва ҳаво режимларининг бузилиши→тупроқ унумдорлигининг пасайиши. Шу нуқтаи назардан техноген бузилган ерларда рекультивация технологиясини ишлаб чиқишда ушбу кетма-кетликни ҳисобга олиш тавсия этилди.

5. Техноген бузилган ерларда тупроқ хоссалари ва ҳудуднинг экологик ҳолатини аниқлаш учун қуйидаги маълумотлар базаси шакллантирилди: тадқиқот ҳудудининг иқлими, ифлосланиш даражаси, муддати, тури, майдони, ҳолати, тупроқларнинг шўрланиши, зичланиши, ўсимлик қопламининг ҳолати, умумий микроорганизмларнинг ўртача миқдори, ўзини-ўзи тозалаш ҳолати, тупроқ структуралиги, гумус ва озиқа элементлари билан таъминланиши, рН муҳити, механик таркиби. Тупроқнинг ушбу хоссаларининг натижалари рекультивация технологиясининг ишлаб чиқишига асос бўлади.

6. Техноген бузилган суғориладиган тупроқлар учун тупроқ унумдорлигининг тикланиш кўрсаткичлари ва улар учун мос коэффицентлар ишлаб чиқилди. Тупроқ унумдорлик кўрсаткичларини тикланишида умумий микроорганизмлар миқдори, агрегатлар, ўсимлик уруғларининг униб чиқиш даражаси каби кўрсаткичлар юқори даражада яхшиланган, қолган кўрсаткичларнинг тикланиши нисбатан паст бўлиб, вақт ўтиши билан уларнинг тикланиши ортади, бу тупроқдаги кимёвий, оксидланиш-қайтарилиш реакциялари билан боғлиқ ҳисобланади.

7. Техноген бузилган суғориладиган тупроқлар учун рекультивациянинг алгоритми 3 босқичли, 18 та тадбирлар мажмуидан иборат бўлиб, 1-босқич тадқиқот ҳудудининг илмий-таҳлилий ўрганиш бўлиб, бунда 8 та тадбир, 2-босқич лаборатория анализ тадқиқотларининг бажариш босқичи бўлиб, бунда 6 та тадбир, 3-босқич дала шароитида рекультивация тадбирларининг амалга ошириш босқичи бўлиб, бунда 4 та тадбирлар бажарилиши белгиланди. Республиканинг бошқа ҳудудидаги иссиқлик электр станциялари атрофида техноген бузилган тупроқларнинг тиклашда ушбу алгоритмдан фойдаланиш тавсия этилди.

8. Техноген бузилган тупроқларнинг унумдорлигини тиклаш ва экологик ҳолатини яхшилаш учун 3 босқичли, 5 та тадбирлар мажмуидан иборат рекультивация технологияси яратилди. Рекультивация техноген бузилган тупроқ юзасининг 0-5 см, 0-15 см қатламини олиб ташлаш, *Pseudomonas putida* ВКПМ В-4308 бактерия штаммини қўллаш, беда, райграс, арпа ўсимликларини экишга асосланади. Ушбу рекультивация технологияси республиканинг суғориладиган ҳудудларида вужудга келган техноген бузилиш ҳолатларида тупроқ қопламини тиклаш учун тавсия этилди.

9. Рекультивация қилинган ҳудудларда ерлардан фойдаланишда парник тизимини йўлга қўйиш, 3-5 км масофагача бўлган ҳудудларда техник экинлар экиш ҳамда саноат корхоналарини замонавий филтрлар билан таъминлаш, чиқиндиларни қайта ишлаш каби тадбирлар тавсия этилади.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ PhD.29.12.2018.B.05.03 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ
УЧЁНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ ФЕРГАНСКОМ ГОСУДАРСТВЕННОМ
УНИВЕРСИТЕТЕ**

НАЦИОНАЛЬНЫЙ УНИВЕРСИТЕТ УЗБЕКИСТАНА

ЖОББОРОВ БАХРОМ ТУРГУНОВИЧ

**ТЕХНОГЕННОЕ НАРУШЕНИЕ ОРОШАЕМЫХ ПОЧВ, ИХ
ЭКОЛОГИЧЕСКОЕ СОСТОЯНИЕ И РЕКУЛЬТИВАЦИЯ
(на примере Ташкентской области)**

03.00.13 – Почвоведение

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD) ПО
БИОЛОГИЧЕСКИМ НАУКАМ**

Фергана – 2019

Тема диссертации доктора философии (PhD) зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за № B2019.2.PhD/B255.

Диссертация доктора философии (PhD) выполнена в Национальном Университете Узбекистана.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, и английский (резюме)) размещен на веб-странице Научного Совета по адресу: (www.fdu.uz) и в информационно-образовательном портале “ZiyoNet” по адресу (www.ziyo.net).

Научный руководитель:	Жаббаров Зафаржон Абдукаримович доктор биологических наук, доцент
Официальные оппоненты:	Абдуллаев Анвар Хайдарович доктор биологических наук Ураимов Тождидин кандидат сельскохозяйственных наук, доцент
Ведущая организация:	Гулистанский государственный университет

Защита состоится “___” _____ 2019 г. в ___ часов на заседании Научного совета PhD.29.12.2018.b.05.03 при Ферганском государственном университете (Адрес: 150100, г. Фергана, ул. Мураббийлар, дом 19. Тел.: (99873) 244-44-02; факс: (99873) 244-44-93).

С данной диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Ферганского государственного университета (зарегистрирован за № _____). Адрес: 150100, г. Фергана, ул. Мураббийлар, дом 19. Тел.: (99873) 244-44-02; факс: (99873) 244-44-93, e-mail: fardu_info@umail.uz

Автореферат диссертации разослан “___” _____ 2019 года.

(реестр протокола рассылки № ___ от _____ 2019 г.).

Г.Юлдашев
Председатель научного совета по присуждению
учёных степеней, д.с.х.н., профессор
У.Б.Мирзаев
Учёный секретарь научного совета по
присуждению учёных степеней, к.б.н., доцент
М.Т.Исагалиев,
Председатель научного семинара по
присуждению учёных степеней, д.б.н., доцент

ВВЕДЕНИЕ (Аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. На сегодняшний день в мире «наблюдается тенденция увеличения природного и антропогенного воздействия на почвы, в результате возникает изменение почвенных свойств, экологического состояния и снижение плодородия, а также в некоторых случаях непригодность к использованию. Техногенное нарушение почв отмечается как изменение его экологического состояния, и в результате этого снижается плодородие почв и эффективность их использования»³. По этой причине во всех странах мира предотвращение техногенного нарушения орошаемых почв, разработка для них рекультивационных технологий, очистка земель, а также эффективное их использование приобретает важное значение.

В мире проводятся ряд научных исследований, направленных на определение техногенного нарушения почв под влиянием процессов связанных с химической промышленностью, тепловой энергетикой, добычей нефти, газа, угля, минералов, а также на создание технологии рекультивации соответствующей почвенно-климатическим условиям. В этом плане определение основных факторов загрязнения почв, выделение степени загрязнения почв по буферным и загрязненным территориям, раскрытие механизмов трансформации плодородия путем воздействия на физические, химические, биологические свойства почв, требует создания экономически малозатратных, а также безопасных вторичных технологий рекультивации.

В республике проводятся широкомасштабные мероприятия, направленные на определение основных источников и факторов, влияющих на техногенное нарушение почв орошаемых земель, видов химического загрязнения, влияния на физические, химические свойства и плодородие почв, выбор соответствующих видов рекультивации, разработку алгоритмов рекультивационных мероприятий, проведение рекультивационных мероприятий, воспроизводство плодородия рекультивированных почв и эффективного их использования. В Стратегии действий развития Республики Узбекистан в 2017-2021 годах определены важные задачи по «...повышению почвенного плодородия и урожайности сельскохозяйственных культур, дальнейшему улучшению мелиоративного состояния орошаемых земель, расширению производства экологически чистой продукции, рациональному и эффективному использованию земельных ресурсов»⁴. В этом плане определение свойств техногенно-нарушенных почв по загрязненным территориям и генетическим горизонтам почв, создание соответствующих для них технологии рекультивации приобретает важное значение.

Данное диссертационное исследование в определенной степени служит выполнению задач, предусмотренных в Указах Президента Республики Узбекистан №УП-5635 от 17 января 2019 года «О Государственной

³<http://www.fao.org/soils-portal/soil-degradation-restoration/en/>

⁴ Указ Президента Республики Узбекистан №УП-4947 от 7 февраля 2017 года «О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан» *

программе по реализации Стратегии действий по пяти приоритетным направлениям развития Республики Узбекистан в 2017-2021 годах в «Год активных инвестиций и социального развития» и №УП-5065 от 31 мая 2017 года «О мерах по усилению контроля за охраной и рациональным использованием земель, совершенствованию геодезической и картографической деятельности, упорядочению ведения государственных кадастров», и Постановление Кабинета Министров Республики Узбекистан №841 от 20 октября 2018 года «О мерах по реализации национальных целей и задач в области устойчивого развития на период до 2030 года», а также других нормативно-правовых документов, принятых в данной сфере.

